EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

# ILM SARCHASHMALARI



2013-2

hudlarida ko'kka tiklangan aholi punktlari mavjudligi yozma manbalarda qayd qilinmaydi. Darhaqiqat, Gekatey Miletskiyning "Yerning tasviri" asarida xorasmiylarning "Xorasmiya" shahri qayd qilinadi. Afsuski, muallif asarida shaharning geografik o'rni, uning topografik tuzilishi, mudofaa kompleksi to'g'risida aniq, ma'lumotlar o'z aksini topmaydi.


**Rezyume**

Maqolada moddiy va yozma manbalar asosida qadimgi Xorazm tarixi tahlil qilingan.

**Резюме**

В статье анализируется история древнего Хорезма на основе вещественных и письменных источников.

**Resume**

In this article is analyzed the history of ancient Khorezm based on material and written sources.

## MUNDARIJA

### FIZIKA-MATEMATIKA

**А. Ҳасанов, М. Давлетова, Ж. Кутлимуратов.** Даврий коэффициентли штурм-лиувилл масаласи учун парсевал тенглигини Б. М. Левитан усулида келтириб чиқариш.........3
**Н. Хўжатов, Н. Камалов, Ф. Абдукаримов.** Суюқликнинг ясси трубалардаги пульсацион ҳаракати.........7

### IQTISODIYOT

**Ж. Рахимов.** Қуйи Амударё минтақасида экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари.........12

### TARIX VA ARXEOLOGIYA

**Д. Курбонова.** Хоразмнинг Кушон даври ёдгорликлари.........16
**Ф. Ҳайитова.** Зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашларнинг ўзбек миллий менталитетига таъсири.........20
**Э. Раджапов.** Ўзбекистонда совет ҳокимияти даврида ҳарбий сиёсат ва миллий ҳарбий кадрлар масаласи тарихшунослиги.........24
**Ш. Искандаров.** Ўзбекистон арабларининг оилавий маросимларида анъанавийлик ва замонавийлик.........33

### TILSHUNOSLIK

**М. Облокулова.** Синтаксические семантики инфинитива в позиции ядерного предицируемого компонента.........37
**Д. Отажонова.** Нутқ этикети лисоний-маданий манзарада.........40

### ADABIYOTSHUNOSLIK

**С. Сариев.** "Гўрўғли" достонларининг қўлёзма нусхаларида аруз.........43

### ILMIY AXBOROT

**Х. Абдуллаева.** Синергетика: илмий билиш ва фан.........47
**Н. Юсупова.** Раннее творчество Бернса.........51
**B. Xo'janiyazova.** Kuzgi bug'doy unib chiqishiga muhitning turli sho'rlanish darajalarining ta'siri.........57

Олима Д. Зияева масъул муҳаррирлиги остида муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан” номли монографияда[1] Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихининг вужудга келиши ва ривожланиш жараёни, ўзбек миллий ҳарбий кадрлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Мазкур моногафияда илк бор Туркистонда 1917–1924 йиллардаги харбий кучлар тарихи махсус тадқиқ этилган.

Хулоса килиб айтганда, Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг 1917–1941 йиллардаги ҳарбий соҳада олиб борган сиёсати ҳамда миллий ҳарбий кадрларимиз тарихини ўрганиш айни шу йиллардаги Ўзбекистондаги ҳарбий иш тарихини яна-да мукаммалроқ, батафсилроқ яратилишида муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммонинг тадқиқ қилиниши лозим бўлган қирралари, ечимини кутаётган масалалар куйидагилар:

– Туркистонда большевиклар ҳокимиятининг ўрнатилиши ва харбий сиёсати ҳамда унинг оқибатларини ёритиш;

– Ўзбекистонда дастлабки маҳаллий ҳарбий қисмларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишидаги муаммоларни ёритиб бериш;

– совет ҳокимиятининг миллий мунтазам қўшинларни ташкил этиш тактикаси;

– ўзбек тоғли-отлиқ дивизиясининг ташкил этилиши ва унинг фаолиятини ёритиб бериш;

– ўзбек ҳарбий кадрларининг совет ҳокимияти махсус топшириқларида иштирок этиши;

– ўзбек миллий ҳарбий қўшинлари қўмондонлик таркибининг қатағон этилиши.

**Резюме**

Мақолада совет давридаги ҳарбий сиёсат ва ҳарбий масалаларнинг тарихий манбалар ва адабиётларда ёритилиши тадқиқ этилган. Бунда муаллиф совет давридаги миллий нашрлар ва мустақиллик йилларидаги адабиётлардан фойдаланган.

**Резюме**

В статье исследуется освещение в исторических источниках и литературе военной политики и военных вопросов в советский период. Автор использовал национальные издания, литературу советского периода и в годы независимости.

**Resume**

In this article the author researched the problems of the enlightening the military policy during the soviet period of Uzbekistan. Here he tries to present certain historical sources and literatures concerning the military policy and military affairs of the Soviet period. Author takes advantage of using national periodicals and other publications, literatures of Soviet period and as well as the materials published during the independence years.

---

[1] Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (қадимги даврдан ҳозиргача). Масъул муҳаррир Д. Ҳ. Зияева. Т., "Шарқ", 2012.

Шерзод Искандаров (Низомий номидаги ТДПУ)

# ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Ўзбекистон ўзбек халқи билан бирга кўплаб бошқа халқлар истиқомат қилувчи ўзига хос байналмилал мамлакат ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 136 миллат, 16 диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар. Шубҳасиз, бу борада Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар қатори кўп асрлардан буён ўзбек халқи билан қон-қариндошлик ришталарини боғлаб, ўзаро этномаданий ҳамкорликда яшаб келаётган халқлардан бири – арабларнинг тарихи ва этнографиясини чуқур тадқиқ қилиш нафақат муҳим илмий, балки амалий аҳамиятга молик мавзулардан бири ҳисобланади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида асрлар давомида Ўзбекистон ҳудудида яшаб келаётган араб оилаларининг маиший, этник хусусиятлари оилавий маросимлари ўрганилди. XX асрнинг 80-йиллари охиригача бўлган даврда Советлар тузуми даврида олиб борилган сиёсат туфайли, уларнинг оилавий маросимларида катта ўзгаришлар юз берди. Қадимдан давом этиб келаётган баъзи анъаналарга, оилани жипслаштиришга хизмат қилувчи удумларга “эскилик сарқитлари” деган тамға босилди ёхуд уларга барҳам берилди. Бундай ўзгаришларни Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи ўзбек, араб, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз халқларининг барчаси бошдан кечирдилар.

Араблар, асосан, мамлакатимизнинг жанубий минтақаларида ва Бухоро вилоятида компакт ҳолда истиқомат қилишади.[1] Улар орасидаги айрим этномаданий хусусиятлар (урф-одатлар, кийим-кечаклар, антропологик шакл-шамойил) нисбий бўлса-да, ўзига хосликларга эга. Тил, этнотопонимлар, этномаданий хусусиятлар улар минтақа аҳолисининг бир қисмини ташкил этувчи алоҳида аҳоли гуруҳи эканлигини тасдиқлайди.

Биз мазкур мақолада араблар тарихи ва этнографиясига батафсил тўхталмаган ҳолда, уларнинг оилавий маросимлари борасида фикр юритмоқчимиз. Ўз навбатида, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бошқа халқлар каби, арабларнинг оилавий маросимлари ҳам қадим ўтмишга бориб тақалади. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб, етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.[2] Маълумки, оила жамиятнинг энг кичик ва бирламчи бўғинидир. Жамият ана шу бўғинлардан ташкил топади. Инсон маънавиятининг илк куртаклари оилада шаклланади. Оила жамиятнинг мустаҳкам бўлиши, унинг ахло-

[1] Ўзбекистонда яшовчи араблар тарихи ва этнографияси борасида батафсилроқ қаранг: Ражабов Р. Ўзбекистон араблари тарихи ва этнографияси. Т., «Шарқ», 2012

[2] Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 56-бет

муносабат тартиб-қоидалари асрлар давомида шаклланган бўлиб, улар оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, аҳиллик муҳитини яратиш ва саклаб туриш, қариндош-уруғлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон арабларининг турмуш тарзи ва урф-одатларида ўзига хос баъзи бир анъанавий оилавий маросимлар сакланиб қолган. Жумладан, улар каттага ҳурмат, кичикка иззат, оиланинг боши эркак, тўй каби қадриятларда ўзи ифодасини топган. Арабларда оила муқаддас тушунча бўлиб, у маълум бир тарихий даврдан буён шаклланиб келмоқда. Оилавий маросимларда анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашаб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий урф-одатларининг, миллий ўзликни англаш тушунчасининг йўқолиб кетишга олиб келмоқда.

Оилавий маросимларни ўрганиш ва унинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу ҳудудда минг йиллар давомида биргаликда яшаб келаётган ўзбек, араб, тожик халқлари турмуш тарзининг ўзгариб боришига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таъсирларнинг муайян ўрни борлигини инкор этиб бўлмайди.


**Резюме**

Мақолада ўзбекистонлик арабларнинг турмуш тарзини акс эттирадиган анъанавий оилавий урф-одатлар, шунингдек, катталарга хурмат, кичикларга иззат, оилада эркак кишининг раҳбарлик роли, тўй ва бошқа ҳар хил одатларга муносабатлар сақланган. Арабларда оила муқаддас ҳисобланиб, бу бир неча асрлар давомида шаклланган. Оилавий урф-одатларда ўзаро анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашган бўлиб, бу, ўз навбатида, миллий ўзликни англаш тушунчасининг йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

**Резюме**

Сохранились некоторые традиционные семейные обряды, отражающие образ жизни и обычаи узбекистанских арабов. В том числе уважительное отношение к взрослым и бережное отношение к младшим, главенствующая роль мужчины в семье, свадебные и различные обряды. Понятие семьи для арабов считается святым, и это формируется в течение нескольких веков. В семейных обрядах взаимно ассоциируются традиционность и современность, что в свою очередь приводит к исчезновению понятия национального самосознания.

**Resume**

In Uzbekistan traditionalism and modernism in ceremonies, some peculiarities of customs in traditional ceremony of Arabic family have remained. Traditions such as respecting grown-ups and the young, male is a head of family, wedding traditions have been reflected. Family is a sacred concept for Arabs and it has been developing since its historical time. Traditionalism and modernism is causing to abolish the concept of realizing the importance of identity.

Мастура Облокулова (СамГИИЯ)

# СИНТАКСИЧЕСКИЕ СЕМАНТИКИ ИНФИНИТИВА В ПОЗИЦИИ ЯДЕРНОГО ПРЕДИЦИРУЕМОГО КОМПОНЕНТА

Данная статья посвящена синтаксической семантике инфинитива в позиции ядерного предицируемого компонента в структуре предложений английского языка.

При изучении синтаксической функции инфинитива, выделяют два случая его употребления в функции подлежащего, при которых имеет место следующее:

1. Связь с каким-либо деятелем отсутствует, что наблюдается при высказывании общеизвестных истин, не связанных с конкретной ситуацией или конкретным действующим лицом. Формальными признаками такого высказывания являются: форма настоящего времени в простом составном сказуемом с простой глагольной формой и часто называемой «симметричным» построением, когда инфинитив наличествует и в подлежащем и в сказуемом.

2. Связь действия инфинитива с деятелем выступает достаточно ярко в тех случаях, когда высказывание связано с конкретной ситуацией. Сказуемое чаще всего стоит в форме прошедшего времени или перфекта настоящего времени; производитель действия выражен в предложении притяжательным местоимением, личным местоимением в объектном падеже, существительным в общем падеже или же выясняется из контекста.[1]

Из вышеизложенного видно, что вопрос о синтаксической роли инфинитива в том или другом конкретном сочетании, специфике синтаксических связей между инфинитивом и глаголом в личной форме или инфинитивом и подлежащим ещё недостаточно освещён в существующей литературе и нуждается в тщательном изучении.

Что касается данной статьи, то в ней чётко определены позиционные возможности инфинитива в структуре предложений, определены синтаксические связи между элементарными синтаксическими единицами предложения с инфинитивами и выявлены дифференциальные синтаксические признаки, а также их морфологические характеристики.

Далее на основе синтаксических связей и дифференциальных синтаксических признаков устанавливаются дифференциальные синтактико-семантические признаки и их сочетаемости с другими семантическими признаками на базе той или иной синтаксической связи.

1. To live is to struggle.[2]

---

[1] Чариев А. Синтаксико-семантические признаки родительного падежа в узбекском и английском языках. Ташкент, «Фан», 1990, с. 143.

[2] Steinbeck J. The Raid. Collection of short stories. Completed by Brandukova M. A., Novikova L. A. International Relations Institute, Publishing House, Moscow, 1960, p. 44.